

ҚАДРИНГ БАЛАНД  
БЎЛСИН, “ЖАНУБИЙ  
ҚОЗОҒИСТОН”!

3-бет

ИЛҒОРЛАРИМИЗ  
ЭЪЗОЗ ТОПДИ,  
УЛУҒЛАНДИ

4-бет

СОҒЛОМ БОЛА –  
СОҒЛОМ АВЛОД  
КЕЛАЖАГИ

5-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



janubiy.kz

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 28 октябрь, шанба, №119 (3315).

»» Президент

## ТАРИХ ТИЛСИМОТИ, ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ



Президент Жетису вилоятининг Уштўбе шаҳридаги “Қаратал тарихий-ўлкашунослик музейи”га ташриф буюрди. Музей жорий йилда фойдаланишга топширилди.

Умумий майдони 2520 квадрат метр бўлган бинода вилоят тарихига оид 350га яқин осори-атиқалар жамланган.

Давлат раҳбарига музейдаги археологик ашёлар, этнографик ёдгорликлар, Қаратал тумани тарихи ҳамда ёзувчи Кемел Тўқаев, Қозоғистон ССР халқ артисти Бикен Римова, шу минтақа шоирлари, воиз-бийлари ва бошқа таниқли шахслар ҳақидаги янги маълумотлар намойиш этилди.

Президент маҳаллий зиёилилар билан учрашувда музейга ташриф буюриб, у ердаги ёдгорликларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, жамият тараққиёти учун бундай маданий иншоотлар зарурлигига эътибор қаратди ва музей аждоқлардан мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина эканлигини таъкидлади.

– Йиллар давомида бойиб, тўлиб бораверадиган бу хазина маданий қадриятларимизни намойиш этиш билан чекланмайди, у қадим тарих саҳифаларидан сўзловчи бебаҳо китоб ҳамдир. Зеро, ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, ҳамиша ўз тарихига назар ташлаб, мавжуд анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Бу борада музейларнинг аҳамияти беқиёс. Улар узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган маданият, маърифат, табиат ёдгорлиқларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси экани билан ҳам қимматлидир, – деди Давлат раҳбари.

Akorda.kz.

## КЎП ҚИРРАЛИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР



Азалий қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг ўтмиши ҳамда бугуни, орзуниятлари, интилишлари муштарак. Бу нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги, балки минтақавий ва халқаро кун тартибидagi масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим ўрин эгалламоқда.

Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Ерлан Қўшанов учрашувида таъкидланди.

Президентларимизнинг ўзаро ишонч ва мустақам сиёсий иродаси туфайли стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчиликка асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Икки мамлакат савдо-иқтисодий ҳамкорлигига эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошгани, фақатгина жорий йилнинг январь-август ойларида савдо айланмаси 2,8 миллиард долларга етгани таъкидланди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчи корхоналари ўртасида кооперация лойиҳалари амалга оширилаётгани, савдо ҳажмини 10 миллиард долларга ошириш учун барча асослар мавжуд эканлигига эътибор қаратилди.

Парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва уни амалий мазмун билан бойитиш доирасида фикр алмашилди. Хусусан, Парламентлараро ҳамкорлик кенгаши фаолиятини фаоллаштириш икки томонлама келишувларнинг амалдаги ижросини таъминлашига ишонч билдирилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик Марказий Осиё тараққиётининг асоси эканлиги, парламентлараро тузилмалар доирасида иш олиб борилиши минтақамиздаги қўшниларнинг ҳам ҳамжihatлигига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Парламентлараро ҳамкорлик Кенгаши, шунингдек, Қозоғистон Парламенти Мажлиси билан ҳамкорлик юзасидан парламент гуруҳи доирасидаги алоқаларни фаоллаштириш, қонун ижодкорлиги йўналишида ўзаро тажриба алмашиш, ёш парламент аъзолари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди.

Учрашув якунида давлатларимиз ўртасида олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишга қўмаклашиш, уларни ҳал қилиш учун қонунчиликда зарур дастакларни яратишга келишиб олинди.

24.kz.

»» “Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга!

## ГАЗЕТАНИ БИРГА ЎҚИЙМИЗ

Техника фанлари доктори, профессор Ҳақим Диметов 1962 йили Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли ҳамда кечки ишчи-ёшлар мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 15 ёшида автомобиль чилангари сифатида бошлаган. 1966 йили Тошкент политехника институтининг механика факультети автомобиль транспорти эксплуатацияси ихтисоси бўйича тамомлаган. Барча илмий пиллапоярларни билими ила босиб ўтиб, профессор, декан, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида фаолият юритган.

Ҳақим Нишон ўғли соҳа бўйича Собиқ Иттифокдош давлатлар олимлари орасида нуфузи баланд, хусусан, Қозоғистон автомобиль йўллари академиясининг фахрий профессори.

Умр йўлдоши Дилором Садиқова ҳам техника фанлари номзоди. Ҳозир нафақада. Уларнинг фарзандлари ҳам илм йўлини танлаган таниқли олимлар.

Турли йилларда унинг ташрифи, учрашувлари ҳақида “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида қизиқарли мақолалар эълон қилинган. Туркистон шаҳрига

навбатдаги сафари чоғида Ҳазрат Яссавий мақбарасини умр йўлдоши Дилором Иноят қизи, қариндошлари – нафақадаги устоз Хайрулла Шомуродов ва таниқли тадбиркор Махсуджон Абдусатторовлар(тасвирда) билан бирга зиёрат қилиш баробарида “Жанубий Қозоғистон” газетасининг янги сонлари билан танишишди.

Ш. МАДАЛИЕВ тасвири.

Р.С. Таниқли олим Ҳ. Диметов билан бўлган музоҳабани газетанинг навбатдаги сониди ўқийсиз.



● Обуна–2024

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 октябрдаги 377-сонли Фармони билан давлат ва жамоат фаолиятидаги хизматлари, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликликни мустақамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирланди:

“Парасат” ордени билан

АБДИҚУЛОВ Сўзақбай Исаули, давлат хизмати фахрийси;

БАЙДУЛЛАЕВ Абдиманат Абдиқалиқули, давлат хизмати фахрийси;

Қўнисбаев Лесбек Қарабайули, қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;

САҒИМБЕК Медеу Балбекули, қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;

ТАНИРБЕРГЕНОВ Раҳим Кўлбайули, тадбиркор.

«Қўрмет» ордени билан

АБИБАЕВ Мурод Маҳмаджон ўғли, «Қарқын-2030» МЧБ муассиси;

АЖИМЕТОВ Нуржан Нурмаханбетули, Туркистон вилоят маслаҳати депутати;

БАЙҒУЛОВ Спандияр Билалули, қишлоқ хўжалиги соҳаси тадбиркори;

ДАУРЕНБЕКОВ Батирхан Қалдарбекули, «Сақ-дала» киностудияси режиссёри;

ЕРТАЕВ Жарас Қайипули, «Қайып ата» МЧБ раиси;

РАХИЕВ Уалихан Рисбекули, Туркистон вилоят маслаҳати депутати;

СУЛЕЙМЕНОВ Мустапа, Саригоч туман фахрийлар кенгаши раиси;

ТЕМИРОВ Асан, тиббиёт соҳаси фахрийси;

Тўребеков Ерғеш Есенбекули, қишлоқ хўжалиги фахрийси.

III даражали «Еңбек даңқи» ордени билан

ТЎЛИБАЕВ Ўрдабек Беркинбайули, йўловчи транспорт фахрийси;

АБДУАЛИЕВ Серик Бекишули, Туркистон шаҳар жамоат транспорт хайдовчиси.

«Ерен еңбегі үшін» медали билан

АЙДАҒАРАЕВ Мамитхан Алимханули, қишлоқ хўжалиги соҳаси тадбиркори;

АБДИКАРИМОВ Жақсипиқ Канибайули, қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;

АДИЛБЕКОВА Қуралай Маханқизи, Жетисай туман кутубхонаси кутубхоначиси;

АРИПБАЙ Асемгул Нурмаханқизи, «Темирлан кўкаламзорлаштириш корхонаси» коммунал хўжалиги ходимаси;

АРИПЖАНОВ Ажибай Азимханули, давлат хизмати фахрийси;

БАРХИБАЕВ Шўхан Паринбекули, аҳолига хизмат кўрсатиш марказининг ижтимоий ходими;

ДАРМЕНБАЕВ Тўлеген Дуйсенбиули, давлат хизмати фахрийси;

ДЕРБИСОВ Эдуард Ануарули, “Қазақстан темір жолы” ХЖ Арис станцияси бошлиғи муовини;

ЕРДЕШОВ Махамбет Ушантайули, Мақтаарал туман жамоатчилик кенгаши раиси;

ЕСИРКЕПОВА Айзада Аширқулқизи, “Туран су” муассасаси муҳандиси;

ИСМЎЛДАЕВ Шўра Исмўлдаули, тиббиёт соҳаси фахрийси,

КЕНЖЕҒУЛОВ Нурлан Қулбекули, “Оңтүстік Қазақстан” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири ўринбосари;

МУЛДАБАЕВА Гулжан Пашенқизи, Тулкибош туманидаги Т. Рисқулов номли мактаб муаллимаси;

ЎНҒАРБАЕВ Қидирғали Дуйсенбекули, армрестлинг бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, беш карра жаҳон чемпиони, Жаҳон кубоғи соҳиби, Осиё чемпионатининг бир неча бор ғолиби;

ЎРИНБЕК Ақбаян Ўринбекқизи, Кентов шаҳридаги 3-сонли “Билим-инновация” ўғил болалар лицей-интернатининг муаллимаси;

РИСҚУЛБЕКОВ Бўлат Асембекули, Туркистон вилояти ҳокими девонининг бош нозир;

САТМУХАМБЕТОВА Қуралай Шайзаданқизи, маданият соҳаси фахрийси.

ТЎЛЕГЕНОВ Ўразбек, давлат хизмати фахрийси;

УМАРАЛИЕВ Қобилжон Абдухомутов ўғли, таълим соҳаси фахрийси;

ЦАЙ Вячеслав Эдуардович, вилоят клиник касалхонаси бўлими мудури;

ИЗБАСАРОВ Азат Усенули, Туркистон шаҳар ёнгинга қарши хизмат кўтгарувчиси.

“Шапағат” медали билан

АБУОВ Абсаттар Жўлдасули, спорт фахрийси;

БЕГИМБЕТОВ Қалдибек Адилули, Чордара туман касалхонасининг тез ёрдам хизмати хайдовчиси;

БИМИРЗАЕВА Асел Маханбетқизи, кўнгилли, Туркистон шаҳридаги Отатурк номли мактаб-гимназия муаллимаси;

МИРЗАБАЕВА Гулшат Науризқизи, таълим соҳаси фахрийси;

МИРЗАМУРАТОВА Жанар Ўралбайқизи, Чордара туман 12-сонли умумтаълим мактаби муаллимаси.

Кўбиз ва дўмбира чалишни ўргангани,

мусликий қадриятларни тарғиб қилгани учун

Президент ташаккурномаси ва кўкрак нишони билан

ФЕХЕР Богларка, А. Яссавий номли ХҚТУ талабаси.

Туркистон вилоят маслаҳатининг 2023 йил 12 июндаги 3/36-VIII-сонли қарори билан “Туркистон вилоятининг фахрий фуқароси” унвони берилди:

АТАБАЙУЛИ Мекенбай, қишлоқ хўжалиги фахрийси;

АШИРОВ Нуржан Сапабекули, Туркистон вилоят маслаҳати депутати;

БЕГАЛИУЛИ Нармахан, журналистика соҳаси фахрийси;

БЕРДИБЕКОВ Тўқсанбай, Чордара туман фахрийлар кенгаши раиси;

ЖАНБИРБАЕВ Махмут-Бахит, спорт соҳаси фахрийси;

ШАЛТАН Еркинбай Керимбайули, “Шапағат” жамоат бирлашмаси раҳбари;

ЗАДИНА Гулжан Жумабекқизи, тиббиёт соҳаси фахрийси;

ИБАДУЛЛАЕВ Серикбай Ибадуллаули, давлат хизмати фахрийси;

ИСАҚУЛОВ Ержан Бекбауули, ҚР МХК фахрийси, МХК генерал-майори;

ИСРОИЛОВ Ирисдавлат, таълим соҳаси фахрийси;

АСИМБЕК Сатбай Нурлибайули, давлат хизмати фахрийси;

ЎМБАЕВ Абдирахман Мўлданазарули, қишлоқ хўжалиги соҳаси фахрийси;

ЎСПАНБЕКОВ Қанатбек Жўлдасбекули, давлат хизмати фахрийси;

РИСЖАНОВ Жақипбек Тажибекули, энергетика соҳаси фахрийси;

ХУДОЙҚУЛОВ Акабой, таълим соҳаси фахрийси.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



## РЕСПУБЛИКА КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Туркистонда 25 октябрь – Республика куни байрамига бағишлаб, “Қирон юртим – Қозоғистон!” мавзuida тантанали тадбир ўтди. Тадбирда вилоят ҳокими

Д. Сатибалди вилоят аҳолиси ва меҳмонларини Республика куни билан табриклади. Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида ўз меҳнати билан ажралиб турган фу-

қролар “Парасат”, “Қўрмет” III даражали «Еңбек Даңқы» орденлари, «Ерен еңбегі үшін», «Шапағат», «Ерлігі үшін» медаллари билан тақдирланди.

## САНЪАТКОРЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Жорий йилда Туркистон вилояти ҳокимининг қарори билан вилоят маданият ва туризм бошқармасига қарашли “Конгресс холл” кўп тармоқли мажмуасига қўшимча маданият ходимларини ишга олиш учун 100 штат бирлиги берилди.

Янги иш ўринларига мутахассислар жалб қилинмоқда. Шунингдек, Астана ва Алматы шаҳарларидаги санъат олий ўқув юртлирида тушуштириш ишлари олиб борилди. Натижада махсус кастинг эълон қилинди ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида саралаш учун аризалар тушди. Маънавият масканига Алматы, Шимкент, Қарағанди, Тараз, Қизилўрда шаҳарлари ва Туркистон вилояти



туманларидан истеъдодли санъаткорлар келиб, ўз маҳоратларини синовдан ўтказди. Бугунги кунда продюсер, режиссёр, сценарий муаллифи, телебошловчи Сержан Мўлдасинули янги жамоа билан ҳамкорлик қилмоқда.

Байрам муносабати билан Туркистон вилоят тасвирий санъат музейи жамғармаси томонидан тайёрланган “Туркистон – туркийларнинг тумори” сайёр кўргазмаси томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА

Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясини вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов олиб борди, унда вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, вилоят маслаҳати депутатлари, вилоят ҳокимлиги аъзолари, бошқармалар раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибидеда тўрт масала муҳокама қилинди. Улар юзасидан вилоят иқтисодиёт ҳамда бюджетни режалаштириш бошқармаси раҳбари Қанат Қайипбек, вилоят бандликни мувофиқлаштириш ҳамда ижтимоий дастур-

лар бошқармаси раҳбари Асия Темирбаева маъруза қилди. Сессияни вилоят ҳокими Дархан Сатибалди якунлади.

– Дастлаб, барчангизни давлатимизнинг асосий байрами – Республика куни билан табриклайман. Минтақада қўламдор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги сессияда ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳаларга оид таклифлар қўллаб-қувватланди. Вилоятни ривожлантириш йўналишидаги тизимли ишлар давом этади. Барча ташаббусларга муваффақият тилайман, – деди Дархан Сатибалди.

## ҲОКИМ АҚШ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Туркистонлик болалар инглиз тилини бепул ўрганади. АҚШ ваколатхонасининг “English Access” дастури муҳтож оила фарзандларини инглиз тили, шунингдек, шахсий юксалиш, рақамли саводхонлик, кўнгиллилик асосларини ўргатишга мўлжалланган.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг Қозоғистон Республикасидаги АҚШнинг Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Дэниел Натан Розенблум бошчилигидаги делегация билан учрашувида айтилди.

Учрашувда иқтисодий тараққиёт, яшил энергетика им-



кониятлари, таълим, қишлоқ хўжалиги йўналишини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш имко-

ниятлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар барча ўзаро манфаатли йўналишларда ҳамкорликни фаол давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилишди.

## САВРОН ТУМАНИ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

ҚР Президенти Маъмурияти ва туман маслаҳати билан келишилган ҳолда, Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалдининг буйруғига биноан Мақсат Асилбекули Танғатаров Саврон тумани ҳокими этиб тайинланди.

Муқаддам туманни бошқарган Ғалимжан Усенбаев ўз иштиёғига кўра, вазифасидан озод этилди. Вилоят раҳбари туман ривожига ҳисса қўшган Ғалимжан Усенбаевга миннатдорчилик билдириб, ишларига муваффақият тилади.

## ТОШҚИНГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Вилоятда қишки ва баҳорги сув тошқинининг олдини олиш чоралари тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилмоқда. Ушбу масала вилоят ҳокими Д. Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари сув тошқинига қарши тадбирларни кучайтиришга киришиш, топириқларни муддатида бажаришни топширди.

Туркистон вилояти Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Асқар Тўлешовнинг гапларига қараганда, Саврон туманидаги сув босган 5та қишлоқда 4,6 қақирим қувурлар қазилган, 2 жойда оқава сув қувурлари ўрнатилган. Байдибек туманидаги сув босган қишлоқларда 3 қақирим канал қазилган, Шақпақ қишлоғида сел сувини бошқа жойга йўналтириш учун 3та тўғон барпо этилди. Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоғида ички каналлар чиқиндидан тозаланди.

Ўрдабоши туманида 21,8 қақирим каналлар тозаланди.

Республика куни муносабати билан Сариеғоч туманидаги Жибек Жўли қишлоқ округига қарашли Жанатурмис қишлоғида ичимли сув тизими қурилиши якунланиб, аҳолига тоза ва сифатли ичимли сув берилди бошлади.

## ТОЗА ИЧИМЛИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Туман ҳокими Арман Абдуллаев аҳолини ушбу муҳим воқеа билан табриклади.

Жанатурмис қишлоғини сув билан таъминлаш ишлари 2021 йилда «Корпорация Силур» МЧБ томонидан бошланган. Сув тизими қишлоқдаги 480та хонадонни сифатли тоза ичимли сув билан таъминлайди.

## ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТАРЛИ

Ўтган ҳафта Туркистон вилоятида ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх индекси 99,8 фоизни ташкил этиб, республикада биринчи ўринга чиққан эди.

Вилоят йил бошидан буён нархларни барқарорлаштириш бўйича республикада 101,3 фоиз курсаткич билан иккинчи ўринда. Минтақада 3та маҳсулот: макарон маҳсулоти, пиёз ва сабзи баҳоси пасайди. Барқарорлаштириш жамғармасида келишув асосида, барча ижтимоий озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олган 17 минг тонна миқдорида 4,5 млрд. тенгелик захира жамланди.

Вилоят ҳокимининг девон мажлисида ҳоким Д. Сатибалди нархларни барқарорлаштириш, товар-маҳсулот танқислигининг олдини олиш юзасидан жадал чора-тадбирлар кўриш тўғрисида кўрсатма берди.

Вилоят тадбиркорлик ва саноат бошқармаси

раҳбари Нуржигит Мирзахметовнинг айтишича, озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида 30та ижтимоий дўкон фаолият юритмоқда, яна қўшимча равишда 20таси ишга туширилди. Нарх-навони асоссиз кўтармаслик ва ортиқча савдо тўловларининг олдини олиш мақсадида шаҳардаги барча йирик супермаркетлар билан меморандумлар тузилган. Мажбуриятлар ижроси эса доимий назорат қилинмоқда.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбари Турғанбек Ўспановнинг маълумотларига кўра, 2023-2024 йилда барқарорлаштириш жамғармасини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун 8та товар ишлаб чиқарувчи билан 1,8 млрд. тенгега ҳам 6093 тонна картошка, 3724 тонна сабзи, 3200 тонна пиёз, 2350 тонна қарам ва 2234 тонна гуруччи сқлаш муддати билан шартномалар имзоланган. Қонун талаблари доирасида, 884 миллион тенге олдиндан тўланган.

## ЧУҚУРБУЛОҚДА ЯНГИ ТИББИЁТ ПУНКТИ



Тулкибош тумани, Чуқурбулоқ қишлоғида янги тиббиёт маркази очилди. Бу ерда умумий амалиёт шифокори, доя, фельдшер ва ҳамшира хизмат қилади.

Муассасанинг очилиш маросимида туман ҳокими Нуржан Изтилеуов, туман маслаҳати раиси

Хамит Байисбаев, туман касалхонаси бош шифокори Жанат Тўғайбековалар иштирок этиб, аҳолини янги тиббиёт пунктнинг очилиши билан табриклади.

Йил охиригача Рискүл, Ақбиик қишлоқларида ҳам тиббий иншоотлар фойдаланишга топширилади.

## ҚИШЛОҚЛАРДА МОДУЛЛИ ПОЛИЦИЯ ПУНКТЛАРИ ОЧИЛДИ

Республика куни арафасида Темирлан, Бадам, Шубарсу қишлоқлари марказида модулли полиция пунктлари очилди.

Ҳуқуқ-тартибот идорасининг очилиш маросимида туман ҳокими Азат Ўралбаев, туман маслаҳати раиси Бақдаулет Жумабеков, туман ички ишлар бўлими раҳбари Ғалимжан Қуашбаев, маслаҳат депутатлари иштирок этишди.

Туман раҳбари А. Ўралбаев ички ишлар идоралари ходимларини янги идоранинг очилиши билан табриклаб, ишларига муваффақият тилади.

## КЕЛЕСДА 300 ТУП ДАРАХТ КЎЧАТИ ЎТҚАЗИЛДИ

Келес туманида Республика куни кенг нишонланди. Туман марказида Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, Абай қишлоғи Асан қайғи кўчаси бўйидаги хиёбонга дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Тадбирда туман ҳокими Жанибек Ағибаев, туман маслаҳати раиси Нуржан Шаулиев, “AMANAT” партияси Келес туман бўлими раиси Ахмет Жумабеков, депутатлар, қишлоқ ҳокимлари, фаол ёшлар ва санъаткорлар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.



## МАДАНИЯТ УЙИ ОЧИЛДИ

Республика куни муносабати билан Ўрдабоши тумани Қарақум қишлоғида 150 ўринли маданият уйи фойдаланишга топширилди. Янги иншоотнинг очилиш маросимида туман ҳокими Азат Ўралбаев, вилоят маслаҳати депутати Ғани Райимбеков, туман маслаҳати раиси Бақдаулет Жумабековлар иштирок этиб, янги бинонинг рамзий тасмасини қирқишди.

Янги бинода хореография, вокал, эстрада, дўмбира, бадий ва хунармандчилик тўғараклари мавжуд. Маданият уйида ўн нафар ходим фаолият юритади. Бу тўғаракларга 150га яқин ёшлар жалб этилади.



# ХИТОЙЛИК ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ТИҒИЗ АЛОҚА ЎРНАТИЛАДИ

Туркистон вилоят тадбиркорлик ва саноат бошқармаси ҳамда “Turkistan Invest” МЧБ ташаббуси билан Сайрам, Ўтрор, Қазигурт, Ўрдабоши туманлари, Кентов шаҳри ҳокимлари билан 50 нафарга яқин тадбиркор Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарида бўлишди.

Дастлабки куни вилоят делегацияси Хитойнинг Шандүн вилояти, Личъин шаҳри ҳокимлик ходимлари ва бизнес вакиллари билан учрашди. Мулоқот давомида икки давлат ўртасидаги алоқалар ва сармоявий имкониятлар муҳокама қилинди. Сафар доирасида Туркистон вилоятидан борган вакиллар саноат корхоналарини оралаб, бир неча шаҳардаги жаҳонга машҳур йирик компанияларнинг фаолияти билан танишди.



Жумладан, бурғулаш машиналари ва магнитли кранлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган “Shandong Band Hongzhongchuang Intlligence Equipment Co.LTD” тўқимачилик кластерини ривожлантираётган “Linqing Sanhe Textile Group Co. LTD”, қозғоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Zhongye Paptr Industry Yinhe Co.LTD” ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “Rutai Dairy Industry”

компаниялари жамоалари билан учрашди.

Маҳаллий тадбиркорлар Туркистон вилоятида қўшма корхоналар очишни таклиф қилишди. Хитойлик тадбиркорлар истиқболли лойиҳаларга сармоя ажратишга тайёр эканликларини маълум қилишди. Томонлар Туркистон вилоятининг туман, шаҳарлари ва Хитойнинг Шандүн вилояти Ляочэн ва Линьцин шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий, савдо ва қишлоқ хўжалиги ҳамкорли-

гини ривожлантириш бўйича меморандум имзолашди.

Тадбиркорлар вилоятимизда қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга қелишиб олдилар. Сайрам ва Ўрдабоши тумани тадбиркорлари қишлоқ хўжалигига зарур асбоб-ускуналарни харид қилишди.

Сафарнинг сўнгги куни делегация аъзолари Гуанжоу шаҳридаги “Кантон” халқаро кўргазмасида иштирок этишди.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.

»» Обуна-2024

## ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, “ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН”!

### ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК!

АЗИЗУ МЎЎТАБААР ҲАМЮРТЛАР, ҚАДРЛИ МИЛЛАТДОШЛАР! РЕСПУБЛИКА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН “ДЎСТЛИК ДАСТУРХОНИ” ФЕСТИВАЛИ ШОДИЁНАСИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗБЕКЛАРИ “ДЎСТЛИК” ҲАМЖАМИЯТИ РАИСИ ВА КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ЧАҚИРИҒИНИ СИЗ АЗИЗЛАРГА ЙЎЛЛАМОҚДАМИЗ...

БУГУН МИЛЛАТДОШЛАРИМИЗ АҲИЛЛИКЛАРИНИ ЯНА БИР ҚАРРА НАМОЁН ЭТИШМОҚДА.

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙ:

– АГАР ЎЗБЕКЛАР БОШҚА ИШЛАРГА ҲАМ ОШГА КЕЛГАНДЕК БИРЛАШИБ, ЙИГИЛА ОЛГАНЛАРИДА ЭДИ, ДУНЁДА БУНДАН ҚУДРАТЛИ МИЛЛАТ БЎЛМАС ЭДИ, – ДЕГАН ЭКАН.

КЕЛИНГ, АЗИЗЛАР! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК, БИЗ – КУЧМИЗ! «ДЎСТЛИК» ҲАМЖАМИЯТИ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЧАҚИРИҒИГА ҲАМЖИХАТЛИҚДА ЖАВОБ БЕРАЙЛИК.

ЗЕРО, ШОИР АЙТГАНИДЕК... АСПИДАКУ БАРИМИЗ БИР ЎЗБЕКМИЗ, БИР ЮРТ ЎҒЛИ, БИР УЗУККА КЎЗДЕКМИЗ...



ШИМКЕНТ ШАҲРИ, ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ, ТУРКИСТОН ВА КЕНТОВ ШАҲАРЛАРИ, САВРОН, САЙРАМ, СЎЗОҚ, САРИОҒОЧ ТҮЛЕБИЙ,ТУЛКИБОШ, ҚАЗИҒУРТ, КЕЛЕС, ЖЕТИСАЙ ВА МАҚТААРАЛ ТУМАНЛАРИ

ЎЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТ БИРЛАШМАЛАРИ РАИСЛАРИГА!

Маълумки, миллатимиз минбари – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси йил сайин ҚР Президентининг Қозоғистон халқига йўллаган аънавий Мактубларини тарғиб қилиб, ўзбек тили, маданияти, урф-одатлари ва аънавларига оид мақолаларни газета саҳифаларида мунтазам чоп этиб, муштарийлар қалбига йўл топмоқда. Газета мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини Қозоғистон ўзбекларига она тилида етказиш йўлида самарали тарғибот воситаси сифатида халқимиз ишончини қозонган. Нашир саҳифаларида жамият барқарорлиги, этнослараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик масалалари мунтазам ёритилиб, эл бирлиги, инсоний қадриятлар акс этган мақолалар чоп этилмоқда. Мана шундай аҳамиятга эга зорли газетамизни қўллаб-қувватлаш Сиз ва бизнинг шарафли бурчимиз.

Шу боис, нуроний отахону онахонлар, тадбиркорлар, раҳбарлар, зиёлилар ва ёшларимизга нашрга ёзилиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг 2024 йил биринчи ярим йиллиги обунасига ташкилий ёрдам юштиришингизни, кўрсатишингизни сўрамакчимиз.

Икромжон ҲОШИМЖОНОВ,  
ҚР ўзбек этномаданият бирлашмаларининг  
“Дўстлик” ҳамжамияти раиси.

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН



Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Нурлан Абдиров хизмат сафари билан Сўзоқ туманига борди. У 5 ноябрь куни қалдирғоч лойиҳа сифатида ўтказиладиган туман ҳокими сайловига оид учрашувларда иштирок этди.

Нурлан Мажитули дастлаб сайловни ўтказиш бўйича сайлов комиссияси аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида маслаҳат-кенгаш ўтказди.

– Номзодларни рўйхатга олиш якунланди. Хизмат сафаридан мақсадимиз – туманларнинг сайловга тайёргарлигини текшириш, участкаларнинг жиҳозлани-

ши, тадбирда қонунлар ижросини таъминлаш, – деди Нурлан Мажитули.

Марказий сайлов комиссияси раиси ёшлар билан ҳам учрашув ўтказди. Унда мамлакатимизда сўнгги йилларда юритилаётган сиёсий ислохотлар тўғрисида маълумот берилди. Комиссия раиси ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Сўнг, жартирбелликлар билан учрашиб, сайлов участкасининг тайёргарлигини кўздан кечирди.

Таъкидлаш жоиз, 5 ноябрь куни илк бор туман ҳокимларининг сайлови ўтади. Вилоятимизда Сўзоқ, Байдибек, Мақтаарал, Чордара туманлари ҳокимлари сайланади.

Вилоят минтақавий  
алоқалар хизмати.

## ТИББИЙ АМБУЛАТОРИЯ ОЧИЛДИ

Сариоғоч тумани ҳокими Арман Абдуллаев Жўнариқ қишлоғида кунига 25 нафар фуқарони қабул қиладиган тиббий амбулаториянинг очилиш маросимида иштирок этди.



– Бу тиббиёт муассасаси марказга боришга вақт сарфламасдан, яқин жойда даволаниш имконини беради. Тиббиёт ходимларининг ишларида муваффақиятлар тилайман, – деди туман раҳбари.

Амбулатория замонавий тиб-

бий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ҳар бир фуқаронинг ташхисини аниқ белгилаш, ўз вақтида тегшли чоралар кўриш имконини беради.

Вилоят минтақавий  
алоқалар хизмати.

»»Бирлиги ярашган элмиз

## ЁН ҚЎШНИ – ЖОН ҚЎШНИ



### МУКОФОТ МУБОРАК!

Республика куни арафасида ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси, газетамизнинг Сайрам туманидаги махсус мухбири лавозимида уч йилдан зиёд хизмат қилган Ғулмжон Ирискелдиев «AMANAT» партияси ва ҚР Парламент Мажлиси раиси Ерлан Қўшанов номидан «Белсенди қизметі үшін» кўкрак нишони билан тақдирланди.

“AMANAT” партияси Туркистон вилоят бўлими раиси, вилоят маслаҳати депутати Алтинсари Умбеталиев Ғ. Ирискелдиевга мукофотни топишар экан, унинг келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Ғулмжон Аҳмадали ўғли қатор йиллар “AMANAT” партиясининг Сайрам туман филиалида хизмат қилиб, сайлов штабларида фаолият юритган. У, шунингдек, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ададини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшган.

Юсак мукофот муборак!

З. МҰМИНЖОНОВ.



## МАРАФОНЧИЛАРНИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Республика кунинда Манкент қишлоғидаги Аҳмад Яссавий номли мактабда соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этишга бағишланган “Манкент марафони” ўтди.



Унда сўз олган қишлоқ ҳокими А. Саидмуродов барчани байрам билан қутлаб, мусобақа ташаббускорлари ва ҳомийлари – Сайрам туман маслаҳати депутати, “AMANAT” партияси фракциясининг аъзоси Бекзод Сайдирахимовга, шунингдек, “Asia travel”, “Таң нур”, “Firdaus”, “TOP LEADER. S20” МЧБлар ва “Жас бөбек” болалар богчаси раҳбарлари-га миннатдорчилик билдириб, иштирокчиларга муваффақият тилади.

Мусобақада манкентлик спортчилар билан бирга Шимкент шаҳри ва Тулкибош туманидан таширф буюрган 18дан 40гача ва 40дан юқори ёшдаги



100 нафардан зиёд марафончи 6 чақирим масофада ўзаро куч синашди.

Сайрам туман маслаҳати раиси Ш. Холмуродов ва “AMANAT” партияси Сайрам тумани филиали ижроия котиби Қуаниш Адирбекули спортчиларни байрам билан қутлаб,

эзгу тилакларини билдирди. Мусобақа ғолиблари ва фаол иштирокчилари қимматбаҳо совғалар, Сайрам туман “Мўрагер” фахрийлар ташкилотининг дипломлари ҳамда қишлоқ ҳокимининг ташаккурномалари билан тақдирландилар.

– Ёшлар орасида ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, айниқса, соғлом турмуш тарзини шакллантириш долзарб вазифа, – дейди “Мўрагер” фахрийлар ташкилоти раиси М. Алиев. – Зеро, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, эл сарҳадларини ҳимоя қилиш – ватанимизнинг бўлажак посбонлари зиммасидадир.

Тадбирни ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатган А. Яссавий номли мактаб жамоасининг сазй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу каби тадбирлар келгусида ҳам давом эттирилади.

З. МҰМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.



»» Хушхабар устига хушхабар

# ИЛҒОРЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗ ТОПДИ, УЛУҒЛАНДИ

Республика куни – 25 октябрь Қозоғистон халқининг дўстлиги, бағрикенглиги, эришган муваффақиятлари, тараққиёт пиллапоялари, миллий стратегик мақсад-муддаолари атрофлича тарғиб қилинди, бугунги Қозоғистон ватанпарварлигини намоён этувчи омиллар ва жиҳатлар жаҳонга кўз-кўз қилинди.

Кўринг, ҳавас қилинг!



Эл-юрт тараққиёти, тотувлик, маънавият ва маърифат, эзгулик тантанасига ҳисса қўшган қадри баланд инсонлар қадр топди бу кун, эъзозланди, улуғланди.

Улар сафида миллатдошларимиз – ҚР Парламенти сенати депутаты, муқаддам «Жанубий Қозоғистон» газетаси Бош муҳаррири лавозимида самарали фаолият юритган Алишер Сотволдиев («Ерен еңбегі үшін» медалі), пешқадам тадбиркор, меценат, қатор

тўйхоналар ва савдо уйларининг қад ростлашига раҳнамолик қилётган Абдуқаҳҳор Файзахмедов («Достық» ордени), Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси Тоҳир Нишонбоев («Ел бірлігі» ордени), таълим соҳасининг фидойилари – Сайрам туманининг Қўлқент қишлоғидаги А. Музрапов номли мактабга узок йиллар раҳнамолик қилиб, нафақага чиққач, «Оқсувобод» мактабда келажагимиз ворисла-



рига таълим бераётган Қобилжон Умаралиев («Ерен еңбегі үшін» медалі) ҳамда Ҳамза номли ўрта мактаб директорининг муовини лавозимида фаолият юритиб, эндиликда Қорабулоқ қишлоғидаги намунали маҳалла кўмитасининг раиси вазифасини самарали бажарётган Ирисдавлат Исроилов («Туркистон вилоятининг Фахрий фуқароси» унвони ва кўкрак нишони)лар бор.

Юксак мукофот муборак, азизлар!

Диққатга сазовор яна бир жиҳатга эътибор қаратинг – мукофотланганларнинг барчаси миллат минбари «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасининг раванқ-ривожига баракали ҳисса қўшаётган шахслар...

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

Тасвирларда: эл фахрига айланган ҳамюртларимиз.

»» Брифинг

## “ХАЙРИЯ КАРВОНИ” ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Бу ҳақда вилоят тадбиркор хотин-қизлар ҳамжамияти раисаси Инара Намазбаева маълум қилди.



– Мамлакатимизда “Хайрия карвони” VI республика танлови бошланди. Мақсад – хайрия қилишни, ёрдам қўлини чўзишни истаганларни аниқлаш, ғамхўрлик, инсонийлик сингари қадриятларни қучайтириш. Аризалар жорий йилнинг 20 декабрига қабул қилинади. Тўлиқ маълумотни [www.fnn.kz](http://www.fnn.kz), [www.businesswomen.kz](http://www.businesswomen.kz) сайтларидан олиш мумкин, – деди Инара Абдигаппар қизи.

Матбуот анжуманида ҳамжамиятнинг “Жас қанат” бўлими аъзоси Акмарал Ғани қизи махсус номинацияларга тўхталди.

– “Ҳашар” номинацияси – урф-одатларни сақлаб қолишга йўналтирилган хайрия ишлари учун тақдим этилади. “Тўғилган юрт” – таълим, экология, ободонлаштириш, маданий иншоотларни тиклаш ва бошқа соҳаларда она юртига хайрия ёрдамини кўрсатган номзодга берилади. “Меҳр йўлида” номинацияси маълум вақт оралиғида эҳтиёжмандларга мунтазам ёрдам кўрсатаётганларга берилади. “Хайрия тарихи” номинацияси – хайрия, ижтимоий масалаларни эълон қилгани учун журналист ёки ижодий жамоага берилади, – деди у.

Қўшимча саволлар бўйича 8 (7172) 79-15-95, 8-701-513-55-00 телефон рақамига мурожаат қилиш мумкин.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Бизнинг мусобаҳа



## Келажакги порлоқ, истиқболли нурафшон замин

Суҳбатдошим “Ғажайып Қазақстан” республика ижтимоий-сиёсий ва ахборий газетасининг Сайрам туманидаги мухбири, “Халқ сўзи” жамоат бирлашмасининг раиси, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг жонкуяри Суннатилла Ақромовнинг номи муштарыларимизга яхши таниш.

У 1949 йил 25 ноябрда Жанубий Қозоғистон (ҳозирги Туркистон) вилоятининг Сайрам туманидаги Қизилқишлоқ қишлоғида таваллуд топган.

С. Ақромов Тошкент шаҳрида олий маълумот олиб, филолог ихтисослигини эгаллаган, 40 йилдан зиёд педагогика соҳасида фаолият юритди. Ижод билан мунтазам шуғулланади. У турли йилларда “Жануб жарчилари”, “Устоз йўли”, “Жемқорлық – қорлық” республика нашрларида мухбирлик қилган.

Ижодкор “Зиё улашувчи маскан», «Қизилқишлоғим», «Ҳаётим – баётим», “Қорақуранг” сингари адабий-публицистик, “Баракали замин”, “Замонавий маъруза технологияси”, “Менежментга асосланган мактаб бошқаруви” каби ўқув-услубий китоблар муаллифи.

2016 йилдан Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Фаол жамоатчи билан мусохабамиз Қўлқент қишлоғининг тарихи, унинг бугуни ва келажакига бағишланди.

– Суҳбатимиз аввалида қишлоқ ўтмиши ҳақида айтиб берсангиз...

– 2022 йили Қўлқент қишлоғи ташкил топганига 100 йил тўлди. Шу қутлуг заминнинг фарзанди сифатида жонажон қишлоғимизнинг шонли тарихини яратишга қарор қилдим. “Баракали замин” китоби шу аснода ёзилди.

Қўлқент қишлоғи Қўлқент қўли атрофида ташкил топган, шарқда – Қорабулоқ, жанубда – Оқсувобод, ғарбда – Ҳазратлиев ва “Теспе”, шимолда эса Оқсувкент қишлоқлари билан чегарадош. Ушбу масканнинг қадимийлигига “Қўшмўла” даҳасидаги Оқсув дарёсининг юқори қисми ўнг ва чап қирғоқларидаги баланд тепаликлар, “Шимкент” кўчасининг ўзанга тушаверишдаги “Жалойир” қабристони, “Тўланкўр”, “Кўктерак”, “Оқёр”, шунингдек, “Учтепа” даҳалари каби тарихий жойлар гувоҳлик беради.

Бир аср давомида қишлоғимизнинг номи уч марта ўзгарди. 1928 йили Сайрам тумани ташкил топди. Туман ижроия кўмитаси раиси С. Мавлонқулов ва туман партия кўмитасининг биринчи котиби Маҳмуд Султонов топириғи билан Қизилчанга ер назорати вақили келади. У қишлоқ фаоллари билан учрашиб, ушбу жойнинг номини сўрайди. Вақил “Қизилчанг” эмас, “Қизилқишлоқ” деб атанглар, туман газетасининг номи ҳам “Қизилқишлоқ”, дейди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул келади.

1995 йили “Қизил” сўзи билан боғлиқ барча жой номларини ўзгартариш тўғрисида топириқ келади. Қишлоқ ҳокими Низзатилзамон Абдуғаниев мактаб директорлари ва фаоллар учрашувда қишлоққа янги ном бериш масаласи юзасидан маслаҳатлашади. Шу аснода унга Қўлқент номи берилди.

– Таълим соҳасининг ривожланиши тарихига тўхталсангиз...

– Утган асрнинг 20-йилларидаёқ, ҳали мактаблар очилмай туриб, маърифатпарвар аёллардан – Бўстон Исмаилов ва киз-жувонларга араб алифбосини ўргатган. 1929 йили “Артель” раиси Зайниддин Назаровнинг саъй-ҳаракати билан Эргаш Элтоевнинг уйда бошланғич таълим мактаби ташкил этилади.

Уша даврда қишлоқда саводсизликни тугатиш курслари ҳам очилади. Бу ерда Абдуғани Исмоилов, Ҳамроқул Бойтоев, Бўтабек Мусаев ўқитувчилик қилишди.

1934-1938 йилларда жамоа хўжалиги раиси Лутфулло Турсунметов ташаббуси билан ҳозирги Алишер Навоий номли мактабнинг “Фахрийлар хиёбони” ўрнида янги бошланғич мактаб барпо этилади. 1937 йили етти йилликка айлантирилиб, унга Чкалов номи берилади. Сайрам туман таълим бўлимининг буйруғига асосан Абдурахмон Абдиқодиров мактабга директор этиб тайинланади. Халқ депутатлари Сайрам туман Кенгаши ижроия кўмитасининг 1950 йил 14 сентябрдаги 368-сонли қарори билан мактабга Алишер Навоий номи берилади.

1986 йил январь ойда “Қўшмўла” даҳасида бошланғич мактаб ташкил этилди. 2000 йили асосий мактаб ўрта таълим масканига айлантирилиб, унга Абдурашид Музрапов номи берилди. 2016 йилда 600 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда таълим масканида 514 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

2000 йили “Учтепа” даҳасида ҳашар йўли билан бошланғич мактаб биноси қурилди. У 2002 йили асосий ўрта, 2013 йилдан ўрта мактабга айлантирилди. 2010 йили – 120, 2013 йили



– 200, 2020 йили – 300 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Турли йилларда 96-сонли мактабга Равшанбек Мусаев, Олимжон Хоматов раҳбарлик қилган бўлса, 2017 йилдан Абдифаёз Абдишукуров директор лавозимида фаолият юритмоқда.

Бугун қишлоқдаги учта мактабда 2649 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, ўқитувчилар сони 364 нафар. Қишлоқ аҳолисининг сони 12 мингтага етди.

– Қишлоқдан чиққан атоқли шахслар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Дарҳақиқат, фан-техника ва маданият соҳасида муваффақиятга эришган ҳамқишлоқларимиз – фахримиз. Жумладан, олим, тиббиёт фанлари номзоди Абдурашид Музрапов, тех-

ника фанлари номзоди, профессор Мадирахим Тошнӣёзов, филология фанлари номзоди Абдурахим Саиднӣёзов, кимё фанлари номзоди Турдимат Отабеков, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Холмурод Мўминов тиббиёт фанлари доктори Нурмат Отабеков, математика фанлари доктори Тўхтамурод Мавлонқулов, тиббиёт фанлари номзоди Назира Аҳмедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоевлар элнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган таниқли шахслар.

Шунингдек, қишлоқ тараққиётига самарали ҳисса қўшаётган фаол тадбиркорлар Рустамбек Абдурасулов, Қувончбек Рустамов, Муҳиддин Музрапов, Ҳотам Эшимов, Собиржон Қурбанов, Муҳаммадали Усмонов, Жан-

нат Татишбаев, Есимхан Серикбаев, Айнура Айтбаева, Ғулмўжон Анорхон, Иристой Абдуқаюмов, Ҳабибулла Эшметов, Абдусамат Усмонов, Фозил Абдурасулов, Ержан Қаражанов, Худойберган Абдувалиев, Жасулан Аманов, Отабек Абдуғаниев, Баҳодир Раимқулов, Назиржон Раимқуловлар номини алоҳида атаб ўтгим келади.

– Маданият ва санъат тараққиёти, шунингдек, бу борада мавжуд муаммолар ҳақида...

– Қишлоқда 1972 йили ташкил этилган “Шодлик” дастаси ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ўз вақтида машҳур бўлган даста истеъдодли ёшларни тўплаб, уларнинг санъаткор сифатида элга танилишига ҳисса қўшди. “Шодлик” 1974 йилда туман миқёсида ўтказилган “Еш талантлар” фестивалида фахрли 1-ўринни эгаллаб, вилоят кўрик-танловига йўлланма олган эди. Даста вилоят танловларида ҳам фаол иштирок этиб, эл олқишига сазовор бўлган. Ҳозирги кунда қишлоғимизда санъат ихлосмандлари, истеъдодлар кўп. Маданий-маърифий тадбирларга аҳолини жалб этиш, жумладан, аския санъатини ривожлантириш жоиз. Қўлқентликлар азалдан қизиқчилик ва ҳазил-мутуйбага ишқибоз. Аскиячиларимиз бир неча бор Қорамурт ҳамда Сайрам қишлоқларида ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этишган. Дўсмаст дода, Ирисмат Дўсмастов, Абдуллахон Гултуроев, Сотимнӣёз Нийезалиев, Анорхон Асадов каби таниқли аскиячиларимиз турли давраларда, элнинг олқишига сазовор бўлишган.

– Сўнгги йилларда қад ростлаган янги бинолар ҳисобига қишлоқ қиёфаси ўзгариб, янада ободонлашмоқда. Галдаги режаларга ҳам тўхталсангиз.

– Қўлқент қишлоғида 819дан зиёд деҳқон хўжалиги, 5та ширкат, 1та ҳиссадорлик жамияти ва 6та жамоа хўжалиги мавжуд.

Деҳқонлар картошка, шунингдек, сабзавот етиштириш, узумчилик, галлачилик билан шуғулланишади. Улар ҳар йили февраль ойда картошка экиб, июнь ойи аввалидаёқ ҳосил қўтариб, бозор пештахталарини забт этишади. Томорқаси йўқ ишсиз ёшлар қўшни қишлоқлардан ижарага ер олиб, меҳнат қилишади. Хуллас, оила бюджетини тўлдиривади. Шунингдек, кўплаб ёшлар шаҳарда қурилиш ишларида банд. Бир сўз билан айтганда, қишлоғимизда ишсиз юрган одам йўқ. Шу боис Қўлқент қишлоғининг истиқболли порлоқ. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқларимиз гуллаб-яшнаса, Қозоғистонимиз янада тараққий этади.

– Самимий суҳбат учун ташаккур!

З. МҸМИНЖОНОВ  
суҳбатлашди.







»» Яхшилардан сўз очдик



Ҳалол меҳнати билан эл хурма-тига сазовор бўлган, Ленгер шаҳрида истиқомат қилувчи Рафиқжон Тўйчиев билан суҳбатда бўлсангиз, босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларга иб-рат эканига амин бўласиз.

— Инсон доимо бахтли бўлишга инти-либ яшайди. Тугилиб ўсган, камол топган юртингга хизмат қилиш, унинг тарақ-қиётига муносиб ҳисса қўшиш, бундай шарафли вазифа йўлида элим-юртим деб ёниб яшаш — улкан саодат, — дейди отахон. — Бинобарин, бугун инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамла-катимизда фидойилик кўрсатаётган киши борки, меҳнати қадр топиб, эл орасида обрў-эътибор қозонмоқда. Шуни ҳам унут-маслик керакки, ҳаёт синовлари ва ма-шаққатларини ирода, матонат, сабру тоқат билан енгиб ўтган кишиларгина чинакам бахтга эриша олади.

— Вилоят газетаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— "Жанубий Қозоғистон" газетасини сўнгги йилларда оиламиз билан зўр қизи-қиш билан ўқимокдамиз, ундаги ранг-ба-ранг рунклар остида бериб борилаётган мақолалар ҳар бир газетхонда қизиқиш уйғотиши табиий. "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидур", деб бобокалонларим-миз бежиз айтмаган. Шунинг учун тарихий мавзулардаги мақолаларни ўқиб, кўз ол-димизга ўтган асрнинг урушдан кейинги йиллари беихтиёр ёдимизга тушади, ҳаёлан шу даврда яшаб ўтган инсонлар

# Дорилмон кунлар наъшдаси

билан суҳбат қургандай бўламан. Ин-сон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, шу билан бирга кексаларимизнинг дуосини олиш, бугунги дорилмон кунларимизнинг қадрига етиш ҳиссини туйиш кишига куч-қувват бағиш-лайди. Ота-онамиз куну-тун меҳнат қили-шар, биз билан гаплашиб ўтиришга вақти бўлмасди. Урушдан кейинги оғир даврлар эмасми, биз, болалар ҳам суягимиз қот-май далада ишлардик. Мактабда ўқиш бошладим, болалар билан танишдим, уларнинг кўпчилиги отаси урушда вафот этганини айтишди. Мактабни тамомлаб, олий маълумот олган, Германияда ҳарбий

Қумри аянинг набираларининг орқасидан нон ушоқларини териб, кўзига суришлари, падари бузрукворимиз, кўп йиллар дав-лат ҳўжалигида, сўнг чойхонада меҳнат қилган Ниёзкул отанинг кўчада ётган нон бурдаларини битталаб териб, уйга таши-ганлари бобо ва бувиларимизнинг тинч-лик даври қадрини жуда чуқур англаш-ларидан, қаҳатчилик пайтларининг оғир синовларини унута олмасликларидан дарак беради.

Уруш йилларида онамиз қишлоқ хо-тин-қизлари билан иссиқ кийимлар тикиб ёки тўкиб, фронтга жўнатарди. Урушдан кейинги йилларда ҳўжалик олмазориди ишлади. Шу йиллари Тўлебий туманига



хизматда бўлдим ва Ленгер шаҳридаги ҳарбий қисмда 20 йил ишладим.

— Болалик пайтингизда маънавиятга эътибор қай даражада эди?

— Собиқ Иттифок аҳолиси энг кўп китоб, газета ва журнал ўқиганлиги ҳақида ҳозир ҳам айтилмоқда. Мактаб даврида ўзбек тилидаги газета ва жрналларни ўқиб, очик дарсларда баҳс-мунозара юритардик. Мактабдан кейин ҳам ўзбек адиблари асарлари чоп этиладиган "Шарқ юлдузи" журналин ортиқиб кутардик. Биз уруш кўрмадик, лекин унинг битмас жароҳат-ларини оталаримизда — улар қўлтўқтаёқ билан юрганларида, оналаримизда — улар урушда дом-дараксиз кетган фарзанди-нинг, турмуш ўртоғининг йўлига термулиб, кўзлари толганларида кўрдик... Онамиз

қарашли "Қазигурт" давлат ҳўжалигининг Алишер Навоий бўлимида пахта экилар-ди. Кунни тунга улаб меҳнат қилишарди одамлар. Кимдир уй курса, ҳашарга боришарди. Ҳа, шундай қийинчилик кун-лардаги бундай мурувватни, саховатни кўриб, одамларда инсоф, диёнат, Ватанга муҳаббат туйғуси ҳамма нарсадан юксак турганлигига амин бўласиз. Ҳозирги тинч ва осойишта замонимизда фарзандлари-миз бағримизда ўсаётганидан, уларнинг бахти тўқислигидан қувонаман.

Отахоннинг турмуш ўртоғи Назира ая ҳам фабрикада меҳнат зарбдори бўлган. Фарзандлари Зухриддин, Зулмурод, Зул-мира ҳаётда ўрнини топишган.

Б. ДҲСМАТОВА.

## ҚАДРИ ЮКСАК, ТУПРОҒИ МУҚАДДАС

Тўлебий туманининг барча қишлоқларида Республика кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтди. Чунончи, 1 Мамир қишлоқ Маданият уйида «Таянчли бўл, Мустақиллик!» шиори остида ўтган байрам тантанасида туман ҳокими ўринбосари С. Дуйсебаев ва маслаҳат раиси Нурлан Қўйбағаров, фахрийлар кенгаши раиси Атирхан Шинғисбаев ва бошқалар иштирок этишди.

Туман раҳбари муовини табрик нутқида мустақиллик неъмат-лари — эришилган улкан ютуқлар, юртимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини тилга олиб, халқимиз орзу-истакларининг ушалиши ҳамда тинч-тотув ва фаровон яшашда муҳим омил бў-лаётганини алоҳида таъкидлади.

«Жебе» халқ драма театри Адилбек Бекбўсиновнинг «Тў-ле бий» спектаклидан саҳна кўринишини намойиш этди. Сўнг С. Дуйсебаев бир гуруҳ жамоат фидойиларини ҚР Таълим ва фан вазирлиги, вилоят ҳокими ва туман ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирлади.

Байрам тадбири вилоят ҳамда республика танлов ва фести-валларида ғолиб бўлган бадий ҳаваскорлар, этномаданият бир-лашмаларининг бадий дасталари ижросидаги концертга уланиб кетди.

## ЗАВОЛ БИЛМАС ҚАДРИЯТЛАР

Тўлебий туман марказлаштирилган кутубхонасида шоирлар Биржан Байтуов ва Даркен Танабаев билан «Шеърят — дўстлик элчиси» мавзуида учрашув уюшти-рилди. Унда тумандаги мактаб ва коллежлар ўқувчилари, адабий бирлашмалар аъзолари ва «Ёшлар имконият мар-кази» вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчиларини Республика куни билан табриклаган туман славян этномаданият бирлашмаси раиси Светлана Шиш-кина шоир ва ёзувчилар дўстлиги теран илдизларга эга эканини таъкидлади.

— Ўзбек ва қозоқ халқлари алломаларининг дўстлик алоқалари, ўзаро ҳурмати, ижодий ҳамкорлиги асрлар оша ривожланиб бор-ган, — деди Даркен Танабаев. — Икки халқнинг ўзаро қўлни қўлга бериб, иноқ яшаганлиги тарихий ҳақиқат. Уларнинг дўстлиги, ўза-ро бир-бирига меҳр-муҳаббати йиллар ўтган сайин мустақамла-ниб, бугунги мустақиллик даврида ҳам қарор топмоқда. Ўзбеклар билан қозоқлар ҳар иккала республикада бирга яшаб, ўзларининг яқин биродар, дўстгина эмас, балки яқин туғишган, оға-ини халқ эканиликларини намоён этмоқдалар.

Икки қардош халқ дўстлигига бағишланган шеърларини ўқиган Д. Танабаев Мухтар Ауезов ва Ойбек, Сабит Муқанов ва Ғафур Ғуллом, Абдулла Тажибоев ва Миртемирлар билан бир даврда яшаган авлодлар ўртасидаги буюк дўстликни ўз кўзи билан кўриб, улар сиймосида ўзбек ва қозоқ адабийтлари ва умуман, икки халқ ўртасидаги дўстлик боғининг меваларидан баҳраманд бўлиб ул-ғайганини айтди.

Тадбирда адабий бирлашмалар вакиллари ўз ижодидан наму-налар ўқиб, танловлар уюштирилди. Ғолибларга эсдалик совғала-ри топширилди.

Б. РЎЗИМАТОВА.

## »» Мулоҳаза

Бугун кўпчилигимиз ўқишга, ишга ва ҳатто, дам олишга вақт етмаётганидан тез-тез нолий-диган бўлиб қолганмиз. Кўча-кўйда одамларнинг қаергадир шошилаётганининг гувоҳи бў-ламиз. Гарчи бу шошилишимиз-нинг асарияти, бемақсад эсада. Шунчалик "илғор" ҳаракат қила-мизки, ён-атрофимизда юз бе-раётган воқеа-ҳодисаларни ҳам пайқамаймиз.

Сабоби вақт оз, тирикчилик-дан қолиб кетамиз. Ҳа, вақт жу-да тез ва шитоб билан ўтаётган-лиги, инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Айтишларика, улўғ алломалардан бири Абу Шурайх ҳазратларидан нега йиғляспсиз, деб сўралганда "Умрим ўтаётга-ни, яхши амалларим озлиги ва ажалим яқинлигини ўйлаяпман", деб жавоб берган экан.

Фан-техника тараққий этган замон-дамиз. Яшаш учун катта қўлайлик ва вақтни тежаш учун шарт-шароитлар яратилган. Шунга қарамай, бу иш тобора қийинлашиб бормоқда. Хўш, оқилларга тиллодан ҳам қиммат ва жоҳилларга қақадек қиймати бўлмаган вақт, аслида нима? Бу ҳақда олимлар турлича фикр билдиради. Чунончи араб олимлари, умрнинг ҳар лаҳзаси Аллоҳ таоло тарафидан берилган бе-баҳо неъмат, деб таърифласа, евро-палик таниқли файласуфлардан бири Т. Манн вақт хусусида: "Вақт ақллироқ, яхшироқ, етукроқ ва мукамалроқ ин-сон сифатида етишиш учун бизга инъ-ом этилган қимматбаҳо совғадир, бу совганинг энг афзал томони у ҳаммага берилади", деган.

Дарҳақиқат ҳар ким ўзига берилган вақтдан ўзи хоҳлагандек фойдала-нади ва сарф қилади. Худди шу, биз учун аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлган вақтни, барча даврларнинг атоқли олимлари тадқиқ этиб, унинг моҳияти-ни излаган ва таснифлашга ҳаракат қилишган. Кўплаб донишмандларнинг мулоҳазаларига кўра, вақтнинг беш аломати бор:

1. **Ўтиб кетган вақт ҳеч қачон қайтмайди.** "Зеро вақт қилинга ўх-шайди, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади". Яъни, агар сен вақтингни ўзингга ва ўзгаларга фойдали ҳамда хайрли амаллар билан ўтказмасанг, у

сени хорлик ва зоеликка мубтало эта-ди. Чунончи, янги кун, тун киргунгача инсон измида бўлиб, у ўтгандан кейин асло ортга қайтмайди.

2. **Кунлар жуда тез ўтади.** Бу эса инсон ҳар дақиқада ўткинчи дунёдан узоқлашиб бораётганини аңглатади. Киши бахтига ғам-ташвиш етганда кунлар жуда секинлашгандек туюлса-да, аслида жуда тез ўтаётганини ҳис этмайди. Фақат бахтли ва қувончли кунларидагина умрнинг шитоб билан ўтаётганини аңлаши мумкин. Бир инсон, умр бўйи ҳар туғилган кунини қабристонга бориб, ўкиниб-йиғлаб ўтказар экан. Ундан нега бундай қила-сан, деб сўрасалар: "Нечун қабристон-га бориб йиғламай, ахир у ерга абадий боришим тезлашиб, бу дунёдаги ҳаё-тим бир йилга қисқарди", деб жавоб қилган экан.

3. **Умр вақти ўлчовли ва белги-лаб берилган.** Ҳар бир инсоннинг бу дунёда туриш муддати аниқ, вақт-соати етганда ҳаётни ташлаб кетишдан ўзга чораси йўқ. Лекин ўлимнинг кимга қачон келиши номаълум. Ҳеч ким ажа-ли тўлганда уни вақтидан бир лаҳза орқага ҳам, олдинга ҳам сура олмай-ди. Шунинг учун ўтаётган ҳар бир кун, умр фурсати ғаниматлигини билишга ундаб, шундай нидо қилади: "Эй одам боласи, сен кунлардан иборатсан, ҳар бир кун ўтганда сенинг бир қисминг кетган бўлади. Ўзинг билмаган ҳолат-да бир қисминг ўтиб кетибдими, демак бутунлай кетишинга ҳам фурсат оз қолибди". Билгилки, бугун амал бор, ҳисоб йўқ, эртага ҳисоб бор, амал йўқ.

4. **Вақт инсонга берилган энг бе-баҳо неъматдир.** Буну вақт олтиндек қимматлидир, деган маънода эмас, балки вақт олтиндан қимматлидир, деб тушуниш керак. Чунки вақт бу ҳаёт демакдир, ҳаёт олдида олтиннинг аҳамиятсизлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, йўқотилган мол-дунёни қайта қўлга киритиш мумкин, йўқолган вақтни эса асло қайтариб бўлмайди. Вақт сотиб олинадиган матоҳ эмас, балки инсонга фақат бир марта берил-ган имкониятдир. Олимлардан бири Али Тантавий шундай деди: "Бир куни шайх Жамол Қосимий вақтларини зое қилаётган йигитларни кўриб, афсус билан: "Эҳ, қани энди вақт сотилгани-да, албатта, шуларнинг вақтларини

сотиб олган бўлардим", деб айтган экан". Биз эса бебаҳо бойлигимизни текин экан, деб, исроф қилишдан бў-йшамаймиз. Онги борлар бу сузларни тафаккур қилади.

5. **Ҳаётда вақт қадрига етмайди-ганлар кўпроқдир.** Вақт қанчалик қиммат бўлмасин, кўпчилик унинг қадрини ҳис этмайди, ундан фойда-ланиб қолиш учун эмас, балки беҳуда кеткизиш йўлида мусобақалашади. Бундай "мусобақачилар" вақтнинг бе-баҳо улушидан маҳрум кишилардир. Айниқса, ҳозирги кунимизда вақтни бефойда амалларга совириш оддий ҳолга айланмоқда. Ҳаётимизга назар ташласак, мислсиз вақтини бекорчи гап-сўзлар, ҳар хил ўйинлар ва инсон ўзи ўйлаб топган турли кўнгилочар маишатбозлиқлар бил-лан ўтказаетганлар, ас-лида умрларини бой бе-раётганидан беҳабарлар анчагина. Газеталардан бирида антиқа ҳолат-ни ёзишбди. Бир киши "Гиннес" китобига кириш учун ўн саккиз минг дона гугурт қўлидан ўзига хос минора ясаш учун бутун ёзги таътили давомида ҳар куни 5 соатдан тер тўқади. У олдин ҳам ўн тўрт минг дона гугурт чў-пини териб, эҳром ясаган бўлиб, эҳтиётсизлиги туфайли у қўлаб тушади. Энди ўйлаб, ҳисоблаб чиқай-лик-чи, у шу ишни қилиш учун қанча вақтини бой берди? Энг ачинарлиси, бу ишидан на ўзига ва на бошқаларга бирон манфаат етади. Бор йўғи бир китобда номи қайд этилиб, мактов олиш учун қилинган бундай беҳуда ишлар инсоният ҳаётида кўп учрай-диган ҳол. Ачинарлиси, мана шундай шахсларнинг ўз вақтини беҳуда ке-таётганини аңламаслигидир. Бу эса кечирилмайдиган хато.

Илғари ўтган донишмандлар ҳаёти ва яшаш тарзига назар солсак, улар учун бир кун эмас, ҳатто бир дақиқа вақтини бекорга ўтказиш ҳалокат ҳи-سوبланган. Улуғ алломалардан бири Абу Қайсдан, бир киши суҳбатлаши-ни тақлиф қилганда: "Қуёшни тўхатиб тур", деб жавоб қилган экан. Демокчи-ларки, агар қўлингдан келиб, вақтни

тўхатиб қўйсанг, сен билан бемалол гаплашамиз. Афсуски, инсон ҳар қанча уринмасин, вақтни тўхатиб ту-ришни кашф эта олган эмас. Одамзод қўлида бор-йўғи ундан унумли фой-даланиш имкони бор, холос. Шундан биламизки, шунчаки беҳуда гап сотиб, бир-бирининг вақтини зое кетказиш исрофдан ўзга нарса эмас. Исроф қи-лувчиларнинг эса топган-тутганидан барака учади, бири икки бўлмайди. "Ўз вақтида қилинмаган иш эгасини хароб қилади". Инсофсиз эртани кутади, инсофли бугунни ғанимат билади. Жа-миятда инсофлилар кўпайсин.

Хўш, вақтни исроф қилмаслик учун нима қилиш лозим? Бу ҳақда ҳам олимлар бир қанча тавсияларни так-лиф этган:



### ВАҚТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ҳар бир киши вақтни исроф қилмас-лик учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилишга одатланса, ҳар томонлама фойда кўрувчилардан бўлади:

1. **Вақтдан имкон қадар унумли фойдаланиш.** Инсон мол-мулкини қанчалик асраб-авайласа, ҳар бир лаҳзасини янада эътиборлироқ бўлиб, фақат хайрли мақсад ва амалларга ишлатмоғи шарт. Олдинги ва кейинги донишмандлар ўз ҳаётида вақтга жу-да катта эътибор қаратганлар. Улар ҳар бир сония қадрини яхши аңлар, шу сабабдан, уни фойдали илм, ях-ши амал, нафса қарши кураш ёки бошқаларга фойда етказиш билан ўт-казганлар. Алалхусус, улардан бизга салмоқли ва бебаҳо маънавий бойик қолган. Ҳасан Басрий аятади: "Шундай

зотлар бор эдики, сизлар дирҳам ва динарларингизга ҳарис бўлганингиз-дан кўра, улар вақтларига шундан-да ҳарис эдилар".

2. **Вақтни тартибга солиш.** Ақли расо киши турмушдаги барча ишла-рини батартиб адо этса, бир-бирига ҳалал бермайди. Бу ҳақда қадимги Юнон файласуфи Аристотель шундай дейди: "Инсон доимо сармоясини тар-тибга солиши лозим, қайсики тартибга солинмаган сармоя бир қанча дарёга сочиб юборилган маржонга ўхшайди, уларни йиғиш мушкулдир, шу сабаб у эгасининг силласини қурилади. Инсон-нинг сармояси бу — унинг вақтидир". Зеро, тартибсиз вақт тартибсиз ишга, тартибсиз иш тартибсиз ҳаётга олиб келади. Тартибсиз ҳаётнинг эса ах-латхонадан фарқи қолмайди. Шундай экан, доимо қулиқ иш тартибини ол-диндан режалаштирмоқ, кунни иккига бўлиб яъни тонгдан тушгача, тушдан шомгача бўлган паллага тақсимлаб,

юмушларнинг ҳам аввал қийини, сўнгра осони ба-жарилса, мақсадга муво-фик бўлади.

3. **Бўш вақтни ғани-мат билиш.** Бўш вақт ас-лида тенгсиз неъмат ва улкан ҳазина эканлигини кўпчилик аңгламайди. Оқибатда инсонлар неъ-мат шукрини адо этмай-дилар. Ҳазрат Навоий: "Бўш вақт улкан неъмат-дир. Агар инсон ҳавои-нафсга ва шахватларга берилиб, бу неъматга юмушларнинг ҳам аввал қийини, сўнгра осони ба-жарилса, мақсадга муво-фик бўлади.

Қиёмат куни "Умрингни нимага сарфладинг?", деб сўралганда, яхши-ликка, иймон-эътиқодга, хайр-бара-кага сарфлаганимизни айтиш имкони барчамизга насиб этсин.

А. АБУФАТТОҲ.







Мамлакатимиз учинчи мегаполисининг ўзига хос тимсолига айланган, турли миллат фарзандларининг дўстлик, ҳамжиҳатлик, шодлик ва барака дастурхони рамзи бўлган турли халқлар таомномасидан шоҳона ўрин эгаллаган палов фестивали ҳамюртларимиз орзиқиб кутадиган байрамга айланган.



Ушбу шодиёни нафақат Қозғистон, бизга қўшни мамлакатларда ҳам қардошларимиз соғиниб, интизорлик билан кутишади. Айнан ўша байрамда дўсту ёрлар қапгирларини усталлик билан уйнатиб, қозонларига палов масаллиқларини солишдан аввал меҳр-муруват, дўстлик, иқбол ва саодат, ҳамжиҳатликка бағишланган дуою ниятларини бағишлайдилар.

Жамоамиз ҳам жорий йилги тадбирда иштирок этди. Қаҳрамон Сайдалиевга ёрдамчи, биримиз ўтин ёрсак, биримиз гуручни ивитиш билан банд, жуда бўлмаганда яхши ниятлари билан қапгир соҳиби тайёрлаган неъматнинг бирон бир номинация соҳиби бўлишини дуо қилиб турдик. “Жанубий Қозғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси Бош муҳаррири Райимжон Алибоев

– дейди отахон завқ-шавқ билан мени дастурхонга таклиф этаркан.

Шимкент шаҳар тадбиркорларидан Қаҳрамон Исмоилов бошлаган Шимкент шаҳрининг “Пахтакор” даҳаси улфатлари ҳам 5 кило ош босишибди. Маҳалла улфатлари, куда-андалар билан паловхўрлик қилишга не етсин!

Ишбилармон хотин-қизлар ҳамжамятининг ёшлар қанотини бошқараётган Каримахон Қўшмуродова минтақамиз бизнесида хотин-қизларнинг ўзига хос хизмати ва аҳамияти юксаклигини алоҳида таъкидлади. Уларнинг жамоаси 10 кило ош дамлаб, танловда иштирок этаётган экан. “Ислом” тамаддиҳонасининг соҳиблари Ислом ва Хулкар Раҳмоншиқовлар ҳам фестивалда иштирок этишаётган экан. Мана, 8 йилдирки, мижозларига сидқидилдан хизмат кўрсатаётган тамаддиҳонани бу ерда ҳам хўрандалари излаб келишибди. Вилоят ўзбек драма театри



Шимкент шаҳридаги “Шуҳрат” тамаддиҳонаси соҳибаси Анжела Ирисматова тадбирда жамоаси билан иштирок этаётганидан хурсанд бўлди, фурсатдан фойдаланиб, жамоатчи обуначи сифатида хайрия тадбирини жонлантиришни таклиф қилдик. Энди тамаддиҳона жамоаси “Жанубий Қозғистон” газетасининг қадрдон муштарийлари.

Шимкент палов марказидан танловда иштирок этаётган

рамонларини ва улар ҳақидаги маълумотларни баҳам кўришга ҳам улгурди.

Фестивалда иштирок этаётган ошпазларимизнинг энг ёши Баҳромжон Усмонов 14 ёшда, илк бор 8 ёшида ош дамлаган экан. Санъаткор Бахтиёр Усмонов авлодининг ёрқин вакилларидан бўлганлиги боис, паловини “Бахтиёр авлоди оши” деб номлабди. “Лаззат” палов марказидан иштирок этаётган Дирёбек Қодиров ҳакамлар



Ўша файзни деб неча тоғ ошиб келган анъананинг садоқатли дўстларини, салкам 20 йилдан буён ўсаётган авлод ўртасида тарғиботчиларига ҳам айланиб улгуришган. Байрам ҳар йили ўзгача шуқу билан ажиб мусиқий наволар остида ўтади.

Жорий йилги шодиёнада ҳам шундай бўлди. Республика кунига бағишлаб “Дўстлик дастурхони – Шимкент палови” халқаро фестивали Шимкент шаҳрининг Сайрам мавзесидаги “Наврўз” истироҳат боғида ўтди. Саҳна 44 нафар иштирокчилар учун бироз торлик қилсада, кўнгил ҳамрозлиги, тадбирнинг барчага улашаётган хуш кайфияти, ажойиб файзи ҳар бир қозоннинг неъматига барака, хушбўй таъмини тортиқ этди.

44 нафар ошпаз ўз ёрдамчилари билан аллақачон

## “Наврўз” боғида ош фестивали

**“Наврўз”да ош дамланди, Қирқ тўрт қозон жамланди. Аскиядан уч минг кўз, Кулавериб намланди.**

**Чилдирмачи пазанда, Ниёзмат бир қозонда, Ошим яхши чиқсин, деб, Етиб келди азонда.**

**Ёнида қанча дўсти, Ниёз бир метр ўсди. Улар етиб келишгач, Қолмади каму-қўсти.**

**Ғирромликка ўрин йўқ, Биров келиб ўрмас дўқ. Беш кило паловидан, Санъаткорнинг кўнгли тўқ.**



**Бугун Ниёзматжонга, Азизахон бош бўлди. Унга битта қаранглар, Олтимиш бирда ёш бўлди.**

**Ана энди ош еймиз, Ниёзмат гапин деймиз. Оҳ, оҳ, палов зўр бўпти, Энг зўр ҳакам мана биз!**

**Аваз ҚўЗИ.**

**21 октябрь, 2023 йил.**



қозонларига гуручни босишга ҳам улгуришган. ҚР ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамяти раиси Икромжон Хошимжонов, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев, Шимкент шаҳар маслаҳати раиси Баҳадир Наримбетов ва бошқа расмий меҳмонлар сўзга чиқиб, юртошларимизни байрам билан қутлаб, бу куннинг мустақиллигимиз, миллий тарихимиз, тарихий маданиятимиз саҳифаларидаги беқиёс аҳамиятига тўхталишиб, иштирокчиларга муваффақият тилашди.

Юртимиз санъаткорлари томонидан катта концерт дастури тақдим этилди. Вилоят ўзбек драма театри жамоаси ҳар доимигидек хизматда, боққа қираверганда дошқозонларда палов зирваги тайёр бўлиб, ҳатто баъзи ошпазлар ош дамлашга киришиб кетишибди. Куй-қўшқлар мазали неъматнинг ёқимли бўйи билан ажиб бир уйғунликда байрам руҳини тақдим этмоқда.

сўзга чиқиб, иштирокчиларни юртимиз нишонлаётган йирик кўш байрам билан табриклаб, ўзбек тилида расман чоп этиладиган ва республика миқёсида тарқатиладиган газетанинг ҳақиқий фидойилари жамланганини таъкидлади. Фурсатдан фойдаланиб, тадбир иштирокчиларини газетанинг жонқуярлари сифатида обунда фаол бўлишга чорлади.

**Тожикистондан ташриф буюрган отахонлар даврасини бошқараётган, 80га қараб одимлаётган Исмаилов Раҳимовни мусохабага чорлади.**

– Бу гал иккинчи бор оиламиз ва қадридўстларимиз билан фестивалга ташриф буюрдик, – дейди Исмаилов ота. – Танловга тожикча паловини тақдим этамиз.

**– Тожикча ош қандай тайёрланади?**

– “Дўстлик” номли паловимизнинг пиёзини куйдириб, ошимизни рангини қизартириб тайёрлаймиз, жуда бетакор таом бўлади, ишонаверинг,

жамоаси ҳам ош тайёрлади. Касбий ошпаз, озарбайжон халқининг вакили ҳам чилангарлик, ҳам ошпазлик касбини улуғлаб келаётган Моҳир Гусейнов бу сафар иккинчи йўлни тадбирда иштирок этмоқда.

“Тули люкс” тўй салони соҳибаси Гулрайно Мирҳайдарова ўзига хос бизнес соҳибаси эканлигини яна бир қарра намойиш этди. Тўй қилаётган хонадонни дастурхон ширинликларидан тортиб, тўй учун зарур буюмлар билан таъминлаш хизматларини тақдим этиб келаётган ва 16 йилдан буён мижозлари улардан рози.

“Маҳмуд ота” тамаддиҳонасининг ошпази Шоҳрух Маҳмадшиков жорий йил 4-бор фестиваль палови билан меҳмонларни хушнуд этмоқда.

“Камшат” тамаддиҳонаси ошпази Санжар Мирамедов, Қорамурт қишлоғидан Хурсандбек Шорустамов “Шимкент табассуми” паловини меҳмонларга тақдим этди. Абай туман ўзбек этномаданият бирлашмаси номидан Ақром Тўйчиев “Дехқонча” ош дамлади. Шимкент шаҳар ички ишлар фахрийси – истефодаги полковник Султонбек Давронбеков “Додалар оши” билан танловда иштирок этишди.

– 27 йил мобайнида халққа хизмат қилдик, меҳнатимиз муносиб баҳоланди. Медаллар олди. Мана, фахрий ҳордиқда, тадбирларда, кўнгилтортар давраларда бетакор қадриятларимизни ёшларга тарғиб қилиш билан машғулмиз.

**– Демак, бугун байрамда “Полковник оши”ни баҳам кўрар эканмиз-да.**

Фарҳод Исмоилов Салим Каримқулов, Давлат Ҳасанов, Мақсад Исмоилов билан ҳамкорликда 100 кг. ош дамлаб, эҳсон қилишди.

Тошкентлик ёш ошпаз Шоҳжаҳон Шамсиддинов Туркистон шаҳридаги “Ауыл” ресторанида касбий ошпаз. Унинг танловда иштирок этаётганидан воқиф бўлган бир гуруҳ туркистонликлар “Тошкент тўй палови”нинг бетакор мазасини излаб келишган. “Gold” тамаддиҳонасининг соҳибаси Бунёд Йўлдошев жамоаси номидан енг шимариб, ўзи ошпазлик қилаётган экан. “Жанубий Қозғистон” газетасининг муҳбири

хайъатига тақдим этаётган ошини тайёрлашда 6 хил ёғдан фойдаланибди. Сайрам мавзесидаги таниқли ошпаз Ихтиёр Абдурахмоновнинг ўғли, ота дуосини олиб кам бўлмаётганидан қувониб гапирди.

Ниҳоят, паловхонтура тайёр бўлди ва 44 хил ош ҳакамлар хайъатига тақдим этилди. Ф. Исмоилов тайёрлаган таом “Шоҳона палов” номинациясини қўлга киритди. 10га яқин ошпазларимиз “Моҳир ва ижодкор”, қолганлари эса касбининг ҳақиқий усталари эканликларини исботлашди. Хуллас, ошпазлар эътирофдан четда қолмади.

ҚР ўзбек этномаданият бир-



эканлигимни эшитиб: “Ўзбек тилида чоп этиладиган газетамиз нафақат ҳар бир хонадонга, ҳар бир савдо нуқтасига етиб бориши керак ва хайрия обунаси доирасида ҳар бир харидорга совға қилиниши жоиз ҳамда бошқа тадбиркорларга ҳам шундай йўлни тутишларини тавсия қиламан. Шунда биз ишбилармонлар ҳам маънавият тарғиботида фаол иштирок этамиз, эзгу ишда четда қолмаймиз”, дея эзгу таклифини илгари сурди. Фидойи ҳамюртларимиздан хурсанд бўлди, бошқа тадбиркорларга ҳам ибрат бўлишини ният қилдик.

Шимкент шаҳар Қоратов, Енбекши туманлари мактабларининг директорлари ҳам тадбирда фаол иштирок этишди. Қадрдон ва содиқ обуначиларимиздан З. Хусанов номли мактаб директори Холмурод Йўлдошев бешқаранг даврага яқинлашиб, ўзгача бир руҳ ва кўтаринки кайфиятни ҳис қилдик. Суҳбатдошимиз Х. Йўлдошев ҳар галгидек ажойиб ва бетакор тақдир соҳиб журналистларга газета саҳифаларида ёритилажак мақолаларимизнинг муносиб қаҳ-

лашмалари “Дўстлик” ҳамжамяти раиси Икромжон Хошимжонов саркорлигида, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев ташаббускорлигида миллатимиз фидойиларида Бегмат Турдиқулов, Нурхон Дўсматова, Ал-Фаробий туман ЎЭБ раиси Шуҳрат Рўзиматов, Қоратов туман ЎЭБ раиси Баҳодир Имомсиддиқов, Енбекши туман ЎЭБ раиси Баҳодир Мирзахмедов, Абай туман ЎЭБ раиси Илҳом Алимқулов ва бошқа халқимизнинг фидойи фарзандлари меҳнати билан уюштирилган байрам ҳамюртларимизга ҳақиқий совға бўлди.

Энг муҳими, машаққатли меҳнати билан байрам шуқуҳини меҳмонларга тақдим этган фидойилар эътироф қозонди. Келгуси йилларда ўтказиладиган фестивалга қадар паловхонтура мазаси оғизларда, доғуғи тилларда дoston бўлиши шубҳасиз.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

**Тасвирларда:** тантанадан лавҳалар.

**С. ИСАМАТОВ** суратга олган.



**Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи Ойқарам НИШОНОВАга!**



Қадрли онажон! Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз!

Сиз барчамизнинг маслаҳатгўйимизсиз, меҳрингиздан хонадонимиз нурафшон, қалбларимизда осийиштаклик ҳукмрон. Фарзандлар, неварая чеваралар даврасида узоқ йиллар қарилқ гаштини суриш насиб этсин! Бахтимизга доим омон ва соғ-саломат бўлинг!

Сизга мустаҳкам соғлик, хотиржамлик тилаб қоламиз!

**Эҳтиром ила: “Ақ Ниет Plus” тиббиёт маркази жамоаси ва фарзандлари.**



**ШОҲБАЙТ**

“ҚИРҒОВУЛ ҚОРДА ЁШУНҒОН КИБИДҲ АЙБЛАРИНГ, ЭЛГА БАС ЗОҲИР, АГАРЧИ СЕН ЭТАРСЕН ИҒМОЗ”.

**Алишер НАВОЙИ.**

(ТАБДИЛИ: “АЙБЛАРИНГ ХУДДИ ҚОРГА ЯШИРИНГАН ҚИРҒОВУЛГА ЎХШАЙДИ: СЕН ҲАР ҚАНЧА ЯШИРМА, ЭЛГА БАРЧАСИ ОШҚОР”).

»» **Маънавият**

**ТИЛ – МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ**



Ўзбек учун тил ҳеч қачон фақат алоқа воситаси бўлмаган. Азалдан миллатимиз тилга ахборот беришдан, алоқа қилишдан ташқари, тилак, муомала-муносабат, орзу-истак сингари яна кўпгина вазифаларни бажарадиган сирли ва илоҳий ҳодиса тарзида ёндашиб келган. Халқимиз сўзини ўта нозик ҳис этган, уни жуда эҳтиёткорлик билан ўйлаб ишлатган. Сўзининг тўричилигидан ҳам кўра, унинг ўрнида ва керагидай айтилиши муҳим саналган.

Шу боис боболаримиз имкон қадар ёмон маъноларни англа-тувчи сўзларни қўлламаслик, уларни юмшорқоғи билан алмаштириб ишлатишга уринганлар. Ўзбекда «ўлим», «касал» сўзлари деярли ишлатилмаган. Халқ ҳеч қачон «фалончи ўлибди» демаган, албатта, «фалончи қайтиш қилибди» ёки «пистончи бўмай қопти» деган. Ўзини биладиган ўзбек шу вақтга қадар «касал бўлдим» ёки «касал экан», деган эмас. У ҳаммаша «тобим қочди», «мазам бўлмади» ёхуд «тумовлабди» каби юмшатувчи сўзларни қўллаган. Худди шу каби ўзбекнинг эркак аёлини «хотиним», аёли эркакни «эрим» демаган. Улар бир-бирларини «келиндячим», «аёлим», «онаси», «келиндиз», «синглингиз», «опангиз» ёхуд «куёвим», «хўжайиним», «отаси», «укангиз», «акангиз» дея атаганлар.

Бугунги кунга келиб тилимиздаги мана шу табиий майинлик (эвфемизм) ўрнини Қўнботишга хос яланғочлик, пардасизлик олиб бораётгани ташвишлидир. Бугун аёллар бемалол «эрим», эркаклар эса «хотиним», дейишдан тортинмагани каби «касалман» деган сўз ҳам салкам ифтихор билан айтиладиган бўлиб бораётди. Ҳолбуки, тилнинг бузилиши руҳнинг бузилишидан белгидир.

**Қозғобой ЙЎЛДОШ,** профессор.